Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 6-aprel. Shanba • 41 (31.631) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

*Бу муқаддас заминда ғурурсиз, ифтихорсиз яшаб бўлмайди... Ҳар қандай шароитда ҳам ор-номус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юртга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак.*

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон томони мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги даражасини юксак қадрлашини таъкидлади. Бу турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун мавжуд катта салоҳиятни изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Сергей Лавров давлатимиз раҳбарига Президент Владимир Путиннинг дўстона тилакларини изҳор қилиб, Россия раҳбарияти мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон билан мавжуд мулоқотларни қўллаб-қувватлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар 2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида икки давлат раҳбарлари имзолаган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда баён этилган келишувларга қатъий амал қилиши таъкидланди. Ушбу ҳужжатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистонда МДҲга ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли муҳим масалалари юзасидан очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида фикр алмашув учун ноёб платформа сифатида қаралади. Шу маънода Тошкент шаҳрида Ҳамдўстликнинг энг муҳим институтларидан бири — Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг муваффақиятли ўтказилиши кенг кўламли алоқаларни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Томонлар Ўзбекистон ва Россия манфаатларига доир минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Томаш Аянни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Халқаро оғир атлетика федерацияси ва шахсан Томаш Аяннинг жаҳон миқёсида спортнинг оғир атлетика каби кенг тарқалган турини, шунингдек, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва хизматларини юксак баҳолади.

Халқаро оғир атлетика федерацияси раҳбарининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати доирасида кечмоқда. Мазкур халқаро спорт форуми 2013 йилда Халқаро федерация шафелигида ўтказиладиган энг нуфузли мусобақалардан биридир. Беллашувларда спортчилар Хитойда бўлиб ўтадиган «Нанкин — 2014» Ўсмирлар олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни қўлга киритиш учун курашади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш истиқболлари, мазкур нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Томаш Аян бугунги кунда Ўзбекистонда оғир атлетика оммавий спорт турларидан бири эканини мамнуният билан таъкидлади. Буни Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ва Олимпия ўйинларидаги, шунингдек, жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятли иштироки яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонда маънавий ва жисмоний ривожланган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани, жисмоний тарбия ва спорт эса таълим ва тарбия тизимининг узвий қисмига айлангани жаҳон жамоатчилигига яхши маълум.

Томаш Аян Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб спорт турлари бўйича мусобақаларда эришган муваффақиятлари натижасида халқаро спорт майдонларида мамлакатимизнинг нуфузи ошиб бораётганига юксак баҳо берди. Ўзбекистонда ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўрилганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов мазкур мусобақаларнинг муваффақиятли ўтишини, спортчиларга эса янги ғалабалар тилади.

**ЎзА**

Долзарб мавзу

## XXI АСР МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ АСРИ БЎЛАДИ

**Дунё глобал муаммолар гирдобида қолмоқда. Сув, озиқ-овқат, нефть, газ, электр энергия муаммоси...**

**Бугун жаҳон илм-фани муқобил энергия манбаларини излаб топиш, яратиш, фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Нима учун? Чунки босқичма-босқич муқобил энергиядан фойдаланишга ўтилмас экан, табиий бойликларимиз бўлган нефть, газ захиралари тугаши натижасида дунё аҳолиси жуда катта муаммо билан юзма-юз келади.**

⇨ 3




Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ТАШАББУСКОР БЎЛСА

*сиёсий партия фаолияти самарадорлиги ортади*

**Сергели туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 141 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Туман партия кенгаши уларни партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади.**

⇨ 2

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳрида 5 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари халқаро сиёсат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ташқи ишлар вазирлари Ҳамдўстлик доирасида 2012 йилдаги ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги кўп қиррали маслаҳатлашувлар режасининг ижроси масаласини кўриб чиқдилар ва 2013 йил учун мўлжалланган ана шундай режани тасдиқладилар. МДҲга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирликлари консуллик хизматлари раҳбарлари маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳам тасдиқланди.

Мажлис иштирокчилари МДҲ давлатларининг олий ва олий касб-ҳунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим, МДҲ давлатларининг 2020 йилгача бўлган даврда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси, 1997 йил 17 январда қабул қилинган МДҲ ҳудудида ягона (умумий) таълим маконини шакллантиришга оид ҳамкорлик ҳақидаги келишувга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги протокол, МДҲ давлатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар режаси лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисда, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш борасидаги МДҲ давлатларининг ҳамкорлик концепцияси, Ҳамдўстлик давлатлари ташқи чегараларида чегара хавфсизлигига таҳдидларни тезкорлик билан бартараф этиш учун чегара идоралари мутахассислари (экспертлари) қўшма гуруҳини шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги битим лойиҳалари кўриб чиқилди. МДҲга аъзо давлатларнинг солиқ (молиявий) текширув органлари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокамалар давомида билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда кўриб чиқилган ҳужжатлар лойиҳалари МДҲ Давлат раҳбарлари ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

**ЎзА**

Эртанги кун бизники, марра бизники!



## САРВИНОЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

**Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги Осиё чемпионати доирасида ўтказилган блиц-турнирда ҳамюртимиз Сарвиноз Қурбонбоева бронза медални қўлга киритди.**

Швейцария тизимида тўққиз турдан иборат тезкор шахмат мусобақасида Сарвиноз Қурбонбоева мезбон шахматчилар — Моза ал-Момарий, Салма ал-Даффарий, ҳиндистонлик Шетти Шристи ва Рия Савант, вьетнамлик Ти Май Нгуен ва қирғизистонлик Ойжарқин Чингиз қизини мот қилиб, тўққиз имкониятдан олти очко жамғарган ҳолда учинчи ўринни олди.

Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони — Сарвиноз Қурбонбоева 2012 йили Тошкентда шахмат бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш, II Марказий Осиё кубоги мусобақасида бронза медаль билан тақдирланган.

**Дилобар КЕНЖАБОЕВА**

ЎзХДП дастурий вазифалар ижроси йўлида

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС РИВОЖИ

## *янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади*

**Аҳоли даромадлари, турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муҳим ўрин тутади. Бу тармоқни кенгайтириш катта сармоя талаб қилмайди, сарфланган маблағни қайтариш имконияти ҳам анча кенг. Соҳа ривожи иқтисодиётни юксалтириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.**

**Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда мазкур соҳани ривожлантиришда муаммолар кўзга ташланаётгани, айрим маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида алоқа, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмаётгани таъкидлаб ўтилди.**

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийинчиликларга дуч келаётган қатламлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун мазкур соҳани янада ривожлантириш талаб этилади. Биз ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари бу борада қандай ишларни амалга ошираётгани билан қизиқдик.

***Сирожиддин АЪЗАМОВ,***
***ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ЎзХДП Сайловолди дастурида муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу боис соҳа ривожини таъминлаш, айниқса, қишлоқ аҳолисига замонавий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бизнинг электоратимиз манфаатларига хизмат қилади.

Бугунги кунда вилоятда 13700 дан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси фаолият юритаяпти. Ўтган йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1 миллион 500 минг сўмни ташкил этган.

**Аммо халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз таъкидлаганидек, вилоятимизда кундан-кун талаб ошиб бораётган маиший ва туризм хизматларига бўлган муносабат бугунги кун талабига жавоб бермайди.** Ўтган йили вилоят бўйича атиги 405 миллион сўмлик туризм хизматлари кўрсатилган, холос.

Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ушбу соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Ангрен, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича вазифалар белгиланган эди. Партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари ўтган йили мазкур ҳудудларда соҳани ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни таҳлил қилишди. Бу борадаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни ечиш бўйича таклифлар сессия муҳокамасига киритилди.

***Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,***
***ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Ангрен шаҳрида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳақида»ги масала халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2012 йил 16 май куни бўлиб ўтган сессиясида муҳокама этилди. Соҳани ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, ёшларга имтиёзли кредитлар ажратишни соддалаштириш ва кўпайтириш борасида таклифлар ўртага ташланди.

Шаҳарда 900дан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Соҳа ривожи учун тижорат банклари томонидан 2,7 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилган ва 139 та иш ўрни ташкил этилган. 2012 йилнинг биринчи ярмида 33 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиши режалаштирилган бўлса, шу даврда 69 та шохобча очилди. Шаҳарда 2012-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури асосида янги, замонавий меҳмонхона ва туризм комплексларини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш белгиланган.

**Бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Масалан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қаторида имконияти чекланган кишиларнинг сервис соҳасида бандлигини ошириш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай, меҳнатнинг бирон-бир тури билан шуғулланиши мумкин бўлган электорат вакиллари йўқ дейсизми? Партиямиз ўтган йили бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож кўплаб кишилар қўллаб-қувватланди, уларга ёрдам кўрсатилди. Биз қўлида касб-ҳунари бор ана шундай кишиларни аниқлаб, улар ўз ишини бошлаб олиши учун кўмаклашишни бу йил ҳам изчил давом эттиришимиз керак...**

***Мавжуда ИЛЯСОВА,***
***халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Партиямизнинг Ҳаракат дастурига асосан, ўтган йили шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлил этдик. Бу жараёнда ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам кўплиги кўзга ташланди. Пойабзал ва чарм буюмлари, маиший техникани таъмирлаш, кир ювиш ҳамда кимёвий тозалаш бўйича хизматлар, компьютер хизматлари, шунингдек, сартарошхона ва гўзаллик салонлари каби хизмат кўрсатиш ва сервис турларидан фойдаланиш имкони ҳамма жойда бир хил, етарли даражада, дея олмаймиз.

Айрим жойларда ишга солинмаган анчагина захиралар мавжуд. Аниқроқ айтганда, яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан ҳамма жойда ҳам оқилона фойдаланилмаяпти. Шунингдек, хусусий умумий овқатланиш корхоналари, чакана савдо шохобчалари, уй-жой қурилиши билан боғлиқ хизматлар ҳамда транспорт хизматларини бажарувчи корхоналарда меҳнат дафтарчасиз ишлаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Тадбиркорлар улар билан ҳеч қандай шартнома тузмасдан, қонуний меҳнат ташкил этмасдан, ўзлари хоҳлаган миқдорда иш ҳақи тўлаб, солиқларни четлаб ўтаяпти.

Энди ўйлаб кўрайлик. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчасида меҳнат қилаётган фуқаро қонуний меҳнат қилмаса, у давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Вақти келганда, пенсия олиш, ижтимоий ҳимояланиш борасида ҳам муаммолар келиб чиқади. Хўш, бу ҳолатни қандай бартараф этиш мумкин? Аввало, сервис ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, уларда ишлаётган ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак. Шунингдек, мазкур йўналишда мунтазам равишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозим, деб ўйлайман...

***Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу соҳада янги иш ўринлари ташкил этиш бошқа йўналишларга нисбатан анча арзонга тушар экан. Қолаверса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати ҳисобланган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ҳам бу соҳанинг имкониятлари анча юқори. Шундай экан, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган чуқур танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш юзасидан янада қатъий иш олиб бориши, бу борадаги дастурлар ижроси устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириши, юзага келаётган муаммоларни маҳаллий вакиллик ҳокимияти даражасида муҳокама этиб боришга эришиш талаб этилади.***

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Муносабат

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЛОҲИЯТИНИ КЎТАРИШ

## барчамиздан жиддий масъулият талаб этади

**Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Давлатимиз раҳбари вилоятимизда эришилаётган муваффақиятларни эътироф этиб, турли соҳалардаги оқсоқликлар, камчиликларга алоҳида эътибор қаратди. Шунинг баробарида ҳал қилиниши кўп жиҳатдан нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари фаоллиги ва талабчанлигига боғлиқ бўлган муҳим вазифаларга ҳам тўхталди.**

Бундан тўғри хулоса чиқариб, ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятини янада кучайтириши, олдимизга қўйилган вазифаларни самарали бажариш юзасидан ташаббус кўрсатиши керак бўлади.

Сессияда таъкидланганидек, вилоятда айрим туман ва шаҳарларни ривожлантириш ва обод қилиш имкониятлари тўлиқ ишга солинмаган. Хусусан, Бўка, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Паркент туманларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмаган. Шундай экан, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни таъминлаш, йўллар, коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш масалаларида янги ташаббус, зарур бўлса муқобил лойиҳалар билан чиқишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Барча партия лойиҳаларида, шу жумладан, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси, бир қатор бошқа амалий тадбирлар доирасида бу масалага тизимли эътибор қаратиш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилган яна бир муҳим жиҳат — вилоятда туризмни ривожлантириш масаласидир. Бу борада ҳам ҳали ишга солинмаган катта салоҳият мавжуд.

Хусусан, қизиқарли туристик йўналишларни, жумладан, оилавий сайёҳликни кенг йўлга қўйиш борасида имкониятлар кўп. Ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши хизмат кўрсатиш соҳаси ва инфратузилмани ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади. Жумладан, янги кичик меҳмонхоналар, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари юзага келади.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболи порлоқдир. Чунки хизмат кўрсатиш турлари кўпайиши орқали бандлик масаласи самарали ҳал этилади, аҳолининг реал даромадлари ошади. Шунинг учун бу жараёнда ЎзХДП ташкилотлари фаол иштирок этиши керак. Айниқса, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг электорат манфаатларига хизмат қиладиган вазифаларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорлигини кучайтиришимиз лозим.

Ҳамкорлик доирасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги инвестиция дастурларига муқобил лойиҳалар киритиш, шу орқали партия Сайловолди платформасидаги мақсадларга эришиш муҳимдир.

Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда бошқа идоралар билан ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни такомиллаштириш яхши самара беради. Мамлакатимиз раҳбари нутқида белгилаб берилган вазифалар, Обод турмуш йили мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, ҳаммамиз изчил фаолият юритишимиз, партиямизнинг жорий йил учун ҳаракат дастурини амалга ошириш, вилоят тараққиётини янги босқичга кўтариш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз талаб этилади.

**Алия ЮНУСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч



# БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ТАШАББУСКОР БЎЛСА

## *сиёсий партия фаолияти самарадорлиги ортади*

— Қуйи бўғин партия дастурий ғояларини амалга оширишда асосий таянч, катта куч ҳисобланади, — дейди **Сергели туман партия кенгаши раиси Шоира Хўжаева.** — Шу боис бошланғич ташкилотлар имкониятидан самарали фойдаланиш, етакчиларнинг интилувчанлиги ва фаоллигини ошириш зарур. Ана шундай фаол ишлайдиган қуйи ташкилотларимиздан бири Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимида ташкил этилган. Бу ерда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга бағишланган қатор тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Уларда партия аъзолари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирмоқда. Муҳими, билдирилган ҳаётий фикрлар изсиз кетмаяпти, биз уларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Қуйидан қанча кўп ташаббус чиқса, ишимиз шунча самарали бўлади.

— Жамғарма туман бўлими ходимларининг аксарияти партиямиз аъзоларидир, — дейди **ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Гулнора Муродова.** — Эътиборлиси, улар фаол, ташаббускор. Белгиланган режа бўйича депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Аъзоларимиз шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда доимий иштирок этади. Шунингдек, партиямизнинг ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўмак беришдаги саъй-ҳаракатларида бошланғич партия ташкилотимиз муносиб қатнашиб келади.

— Бу ерга яқинда ишга келдим, — дейди **Жамшид Абдужабборов.** — ЎзХДП ташаббуси билан ўтказилган тадбирларда доим иштирок этаман. ЎзХДПнинг мақсад ва ғоялари, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган амалий иши маъқул келиб, шу партияга аъзо бўлишга қарор қилдим. Энди унинг ғоя ва мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқчиман.

**Ўктам УСМОНОВ**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

# КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИ

## *масаласи ечими нималарга боғлиқ?*

**Яқинда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи ҳамда Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар ва соғлом авлод масалалари доимий комиссиясининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида ушбу мавзу атрофлича муҳокама этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишда таъкидландики, бу йил вилоятда 107 та касб-ҳунар коллежини 95 та йўналиш бўйича 43 минг 574 нафар ёш битириб, меҳнат бозорига кириб келмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор корхона ва идоралар билан биргаликда битирувчиларни эгаллаган мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича чоралар ишлаб чиқилган. Ҳозиргача 13 мингдан ортиқ битирувчи билан уч томонлама шартномалар тузилди. Жорий йилда вилоятда яратилиши кўзда тутилган 75 мингдан ортиқ иш ўрнининг 45 фоизи айнан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун мўлжалланган.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда махсус гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ҳар бир коллеж битирувчисига диплом топширилганидан сўнг, уч томонлама шартнома имзолаган иш берувчи томонидан у ишга қабул қилиниб, меҳнат дафтарчаси очилиши назоратга олинмоқда.

Афсуски, айрим ҳудудларда битирувчилар учун ажратилган иш ўринлари етарли эмаслиги ёки мутахассислигига тўғри келмаслиги билан боғлиқ муаммолар учрамоқда. Бундан ташқари, ишга жойлашган битирувчиларнинг муайян қисми кўп ўтмай бўшаб кетаётгани кишини жиддий ўйлантиради.

Депутатлар битирувчиларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ шу ва бошқа жиҳатларни атрофлича муҳокама этишди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматжон Ғуломов ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Бахтиёр Воҳидовнинг масала юзасидан ахборотлари тингланди. Мазкур ахборотлар асосида вилоятда коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришни кучайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Дилбар Холиқова, Зиёвиддин Мансуров, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Абдурашид Убайдуллаев, Шоира Абророва битирувчиларни ишга жойлаштириш, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашда депутатларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Қўшма йиғилишда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Носир АББОС**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

**Самарқанд вилоят партия кенгаши «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари иштирокини таъминлашга бағишланган амалий семинар ўтказди. Унда партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этди.**

# ЭЛЕКТОРАТИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

## таъминланишидан манфаатдормиз

— Жорий йилда халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш партиямиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Шу боис биз партиямиз электорати манфаатлари ҳимоясига қаратилган лойиҳа ва ташаббусларимизни, айниқса, чекка ҳудудларда изчил давом эттиришимиз, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз қатъийлик ва талабчанлик билан назорат қилиб бориши зарур. Бунда асосий эътибор ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиши талаб этилади. Хусусан, янги иш ўринлари яратиш, электорат вакилларини касаначилик ва ҳунармандчиликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни тизимли таҳлил этиб, юзага келаётган муаммоларни сессиялар кун тартибига киритиш дастурий ғояларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим йўналишидир.

— Аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ортиши биз учун устувор масаладир, — деди **ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков.** — Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлиги жиддий ёндашувни талаб этади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз ваколатларидан фойдаланиб Давлат дастурида зиммасига турли вазифалар юклатилган корхона ва ташкилотлар, хўжалик бирлашмаларининг масъулиятини ошириш зарур.

Шунингдек, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуқаҳҳор Юсупов ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинарда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида электорат манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларда депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини ошириш йўналишлари атрофлича муҳокама қилинди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Долзарб мавзу

# XXI АСР МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ АСРИ БЎЛАДИ

*Дунё глобал муаммолар гирдобида қолмоқда. Сув, озиқ-овқат, нефть, газ, электр энергия муаммоси...*



— Президентимизнинг 2013 йил 1 мартда эълон қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада муҳим ислоҳотлар даври бошланганидан далолат беради — дейди **Тошкент давлат техника университети электроника ва микроэлектроника кафедраси профессори Муҳаммадкабир Боҳодирхонов.** — Ушбу муҳим ҳужжат ноанъанавий энергетика ресурсларидан, жумладан қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида янги имкониятлар эшигини очади.

**— Муқобил энергия тушунчаси фанга қачон кириб келган?**

— Бунинг тарихи узоқ, қадимда нефть ва газ кашф этилмаган шароитда ҳам инсонлар қуёш нуридан сув иситиш, қуритиш ва бошқа ишларда фойдаланишган. Муқобил энергия тушунчаси фанда ўтган асрнинг бошларида қўлланила бошланди. Бунинг асосий сабаблари шундаки нефть, газ, кўмир захираларининг маълум бир даврдан сўнг тугашини инсонлар тушуниб етиб, энергия олишнинг муқобил йўлларини қидира бошлади. Ундан ташқари, ёқилғилардан чиқаётган миллион тонналаб $CO_2$ углерод гази озон қатлами емирилишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда биринчилардан бўлиб муқобил энергиядан Япония, Германия ва бошқа давлатларда кенг фойдаланила бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири бу давлатларда ёқилғи қазилма бойликлари деярли йўқ. 2011 йилда Японияда бўлган табиий офат натижасида атом электр станциялари ҳамда йирик тўғонлардан фойдаланган ҳолда электр энергия олишдан воз кечилиб, энергия олишнинг муқобил йўлларига ўтилмоқда.

**— Ўзбекистонда муқобил энергия борасидаги илк тажрибани кимлар ўтказган?**

— Ўзбекистонда муқобил энергиядан фойдаланишни биринчилардан бўлиб академиклар Убай Орипов, Содиқ Азимовлар 1950 йиллардан бошлаб уйларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш коллекторларини ишлаб чиқди ва бир неча уйлар қурилиб тажриба синовлари ўтказилган.

Қуёш фотоэлементларидан олинган энергия ўша даврларда жуда қиммат, ёқилғиларнинг нархи эса аксинча бўлган. Бугунги кунга келиб эса ер юзидаги аҳоли сонининг кескин кўпайиши ёқилғиларга бўлган талабни ошириб, ёқилғи нархининг кескин кўтарилишига ҳамда экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда.

Қуёш энергиясидан биз фақат электр энергия олиш учун эмас, балки ундан коллекторлар орқали сув иситишда, қуёш ўчоғи орқали овқат, нон пиширишда, чучук сув олишда, меваларни қуритишда фойдаланишимиз мумкин. Ҳозирда Ҳиндистон ва Хитой давлатларида 2 миллиондан ортиқ қуёш ўчоқлари мавжуд.

Жаҳонда қуёш энергияси бўйича кўплаб лойиҳалар, ишлар амалга оширилмоқда, ҳар йили халқаро конференциялар ўтказилади. Жорий йил Германияда йигирма саккизинчи бутун жаҳон қуёш энергиясига бағишланган илмий амалий анжуман бўлиб ўтади. Унга бизни ҳам таклиф қилишган. Мазкур тадбирда ўзимизнинг янги ишланмаларимиз ва маърузамиз билан қатнашишни режалаштирганмиз.

**— Жаҳонда муқобил энергиядан фойдаланишда қайси мамлакатлар етакчилик қилмоқда?**

— Дунёнинг 37 мамлакатида қайта тикланувчи энергия манбаларига оид қонун қабул қилинган, 70 га яқин мамлакат муқобил энергия манбалари билан ишлаш ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги кунда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича Германия, Япония, Хитой, Испания ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Германия атом электр станцияларидан фойдаланишдан воз кечмоқда, 2020 йилгача электр энергиянинг 20 фоизини муқобил энергиядан олишни режалаштирган, ҳар йили эса 100 минг уйнинг томини қуёш панеллари билан қопламоқда. Бундай усулдан фойдаланиш ҳар томонлама қулайлик туғдиради, ҳеч қандай ортиқча жой талаб қилмайди, аксинча том бекилади ва уйни хоҳлаган вақтда иситиш, хонадон эҳтиёжини тўлалигича электр энергия билан таъминлаш мумкин.

Кўпгина давлатларда шамол энергетикаси қурилмалари денгиз бўйларига ўрнатилмоқда. Швейцарияда йўловчиларни ташиш автобуслари биоёнилғида ишлайди. Япония ҳукумати қуёш энергетикаси технологиясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди. Бугунги кунга келиб, жаҳонда қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи қувватларни ўрнатиш 50 фоизга ошди.

Биогаз кислородсиз бактериялар ёрдамида турли чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида олинади. Сўнгги йилларда иқтисодиёти жадал ривожланаётган Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон, Марказий ва Жанубий Америка давлатларида биогаздан фойдаланиш технологияси яхши йўлга қўйилган.

Чорвачилик, паррандачилик, ўсимлик чиқитларини қайта ишлаш натижасида олинадиган биогаз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган табиий минерал ўғитлар ер унумдорлигини оширишда кенг қўлланилади.

Охирги йилларда, биогаз энергияси бўйича кўпгина тажрибалар қилинди ва кераксли натижаларга эришилди. Бир тонна ҳажмдаги чиқинди сақлайдиган биогаз қурилмаси бир оилани 6 ой мобайнида газ билан таъминлаши мумкин. Ҳозирда олимларимиз бундай қурилмаларни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.

Республикамизда шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб тажрибалар қилинмоқда. Амалий лойиҳалар илгари сурилмоқда. Чунки мамлакатимиз баъзи ҳудудларида доимий (Бекобод ва Қўқон) бошқа жойларида эса мавсумий шамол эсиши кузатилади.

Муқобил энергиядан фойдаланишнинг иқтисодий томонларини одамларга тушунтириш керак. Бу доимий энергия, текин энергия, чексиз энергия.

**— Муқобил энергия билан ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам таъминлаш мумкинми?**

— Бу биринчи навбатда завод, фабрика ёки уй қанча энергия талаб қилишига боғлиқ. Президентимиз томонидан қабул қилинган фармонда 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияларини қуриш таъкидланган. Бу билан завод ва фабрикаларни, қишлоқларни, кичик шаҳарларни тўла электр энергия билан таъминлаш мумкин. Бундай қурилмалар энергияни сақлаш аккумуляторларига эга, қуёш бўлмаган вақтларда, тунда ҳам электр энергия билан таъминлаш мумкин.

Мисол учун, 1 КВт қуёш фотоэлектрик станцияси битта хонадонга етади, буни бизнинг лаборатория шароитида ишлаб чиқадиган бўлсак, 15 миллион сўм атрофида маблағ талаб қилади. Эшитилганда катта маблағ бўлиб туюлар, лекин ўртача 50 йилга тақсимлаганимизда бу арзимас бўлиб қолади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шунда-ки, қуёш панеллари ёрдамида олинган электр энергиянинг таннархи асосан яримўтказгичли кремний баҳосига боғлиқ. Эндиликда Навоий вилоятида техник кремний олиш заводи ишга туширилганини ҳисобга олсак ҳамда бундай қурилмалар конвейер асосида ишлаб чиқарилса, нархи бундан-да арзон бўлади.

**— Ҳозирги кунда бу борада Тошкент давлат техника университетида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Муқобил энергиядан тўла ва унумли фойдаланишни таъминлайдиган асосий омиллардан бири, соҳани яхши биладиган, тушуна оладиган ва муқобил энергетика қурилмаларини ишлата оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Бизнинг электроника ва микроэлектроника кафедрамизда қуёш фотоэлементларидан энергия олиш бўйича 20 йилдан бери изланишлар олиб борилиб, бир нечта янги қурилмалар яратилди. Сўнгги 5-6 йилда биз кремнийнинг хоссаларини ўзгартириш орқали ундан наноструктура ҳосил қилиб, янги турдаги фотоэлемент олиш мумкинлигини исботлаб бердик. Кремнийда наноструктура ҳосил қилсак, ундан олинаётган фотоэлементларнинг хоссаси ва қуввати юқори бўлади ҳамда арзонга тушади. Яна қуёш батареясида янги турдаги фаол ишлайдиган материаллар олиш масалалари устида изланишлар кетаяпти.

Кафедра профессор-ўқитувчилари умумтаълим мактабларида қуёш энергиясидан фойдаланишга мўлжалланган янги турдаги лаборатория асбобларини яратди ва 20 дан ортиқ мактабда синовдан ўтказди. Мактаб ўқувчилари фотоэффект ҳодисаси, қуёш энергияси манбаларининг кетма-кет ва параллел уланишини ўрганиш, энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланиши, қуёш элементи, ўтказгич қаршилигини амперметр ва вольтметр ёрдамида аниқлаш, геометрик оптика қонунларини ўрганиш каби лаборатория асбобларида тажриба ишларини бажардилар. Шунингдек, ёруғлик энергиясини электр энергиясига айланиши тўғрисида аниқ тассаввурларга эга бўлдилар. Бу қурилмаларнинг яна бир афзаллиги шундаки, уларга ташқи электр манбаи керак эмас.

Муқобил энергия соҳаси келажак фани, эртанги куннинг асосий масаласи бўлиб қолмоқда. Мамлакатлар иқтисодиёти айнан мана шу муқобил энергия манбаларидан қандай фойдаланишига қараб ривожланади. Бир сўз билан айтганда истиқболимиз айнан муқобил энергия соҳаси тараққиётига боғлиқ.

**Шуҳрат ИСЛОМОВ**
**суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Анжуман

# СОҒЛОМ ТУРМУШ — ФАРОВОН ҲАЁТ

**«Пойтахт» бизнес-марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Инфаркт ва инсульт хавфини камайтиришда энг самарали ёндашувлардан бири бўлган артериал гипертонияни олдини олиш»га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Тадбирда мутахассислар томонидан мамлакатимиздаги артериал гипертония билан боғлиқ вазият, қон босими ошиши сабаблари ҳамда чекишдан воз кечиш ва спиртли ичимликлар, ош тузи истеъмол қилишни камайтириш, тана вазнини ушлаш, мунтазам жисмоний машқлар қилиш каби дорисиз даволаш усулларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ўз сўзида ЖССТ жамоатчилик эътиборини юқори қон босими муаммосига қаратишга даъват этаётганлиги жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, тиббиётнинг бирламчи бўғинидаги амалий ишлар бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, юрак, қон-томир тизими ва бошқа касалликларнинг ҳамда артериал гепертониянинг олдини олиш билан бевосита боғлиқ бўлган асосий дастурлар хусусида ҳам маълумот берди.

— Кўпчилик инсонлар ўзининг қон босими юқорилигини билмайди. Бу касаллик ҳар доим ҳам белги беравермаслиги боис «индамас қотил», деб аталади, — дейди ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хаммерих. — Гипертония инфаркт, инсульт ва буйрак касалликлари ривожланиш хавфини ошириб юборади. Ҳар йили дунё бўйича ушбу хасталик туфайли 9 миллиондан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юммоқда. Бу касалликка қарши курашиш борасида Ўзбекистонда профилактика ишлари кўламини янада кенгайтириш борасидаги тизимли ишлар олиб борилаётгани ҳамда бу тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилаётгани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, истеъмол қилинадиган ош тузи миқдорини камайтириш — бу артериал қон босими, демакки инсульт, юрак ва буйрак касалликлари хавфини камайтиришнинг энг осон усулидир. Кундалик истеъмол қилинадиган туз миқдорини 5 грамм ва ундан ҳам камайтириш инсульт хавфини 23 фоизга ҳамда умуман юрак, қон-томир касалликлари хавфини 17 фоизга камайтиради. Европа минтақасида ҳар кунги ош тузини истеъмол қилиш миқдори тахминан 8-11 граммни ташкил этади.

Матбуот анжуманида Жаҳон саломатлик куни муносабати билан жорий йилнинг 7-14 апрель кунлари юртимизда артериал гипертониянинг олдини олиш ҳафталиги, деб эълон қилинди. Ҳафталик доирасида тиббиёт муассасаларига мурожаат қиладиган ҳар бир мижозга ушбу хасталиклар бўйича диагностика ва маслаҳат ёрдами кўрсатилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Ҳудудий ислоҳотлар

# «НОРИН» ВЕЛОСИПЕДЛАРИ

*Наманган вилоятидаги «NORIN MECHANIKAL PLANT» корхонасида велосипед ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

**Мазкур корхонада шу кунгача 70 турдан зиёд автомобиль бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилаётган эди.**

Бугунга келиб лойиҳанинг навбатдаги босқичи амалиётга татбиқ этилди. Корхонада хорижий технология асосида «Норин» ёрлиғи билан беш турдаги катталар ва болалар велосипедлари ишлаб чиқарила бошланди. Қурилиш-монтаж ишлари, ғилдираклар ва металл рамалар тайёрлаш ускуналари, бўяш технологик линияси ва йиғиш цехларини ўрнатиш каби ишларни ўз ичига олган мазкур лойиҳани амалга оширишга 2 миллион АҚШ долларидан кўпроқ сармоя йўналтирилди.

Таъсисчиларнинг жамғармаларидан ташқари «Асакабанк»нинг миллий валютамизда 1 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг имтиёзли кредит маблағи катта мадад бўлди. Ҳозирда корхонада ойига 4166 та велосипед ишлаб чиқарилмоқда ва жорий йилда 35 мингта маҳсулот ички бозорга етказиб берилади.

Ҳозирча бутловчи қисмлар Хитойдан келтирилаяпти. Маҳаллийлаштириш дастури асосида босқичма-босқич барча механизм ва мосламаларнинг шу ерда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Хусусан, жорий йилда 31 фоиз, 2014 йилда 38 ва 2015 йилга бориб 60 фоиз бутловчи қисмларни корхонанинг ўзида тайёрлаш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 47 нафар киши иш билан таъминланган эди. Ҳозирда ишловчилар сони 70 нафардан ошди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар ташкил этади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Огоҳлик давр талаби

# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА

*миллий ғоя ва қадриятларимиз тарғиботини янада кучайтириш зарур*

**Ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, турли мафкуравий тажовузларга қарши туришга қодир, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш бугунги кунда ҳар биримизни ўйлантираётган муҳим масаладир.**

Тошкент давлат юридик институти ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорликда ташкил этган анжуманда ана шу ҳақда фикр юритилди. Тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

— Шарқ ва Ғарбда маънавият масалаларига муносабат бир-биридан фарқ қилади — дейди **Низомий номидаги ТДПУ кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент Матлуба Қаҳҳорова.** — Бизда ҳар бир инсонда ақл теранлиги, руҳ соғломлиги, жисмоний камолот ҳамда ахлоқ биринчи ўринда турган. Шу боис Шарқда миллий қадриятлар, қадим урф-одатларга интилиш кучлироқ. Аммо бу бизни хотиржамликка ундаши керак эмас. Ҳар бир соҳада, жамоада маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсонларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, замонамиз қаҳрамонларини яратишда маънавий баркамолликка алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

— Юксак маънавиятли юрист кадрларни тайёрлаш доимий диққат марказимизда бўлиши керак, — дейди **Тошкент давлат юридик институти проректори, юридик фанлар номзоди, доцент Восит Эргашев.** — Чунки инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлса, ҳар қандай масалага адолат нуқтаи назаридан ёндашади, ҳақиқат қарор топиши учун курашади. Шу маънода мазкур жиҳатлар тайёрланаётган юрист кадрларда акс этиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар кўпайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш талаб этилади.

— Дунёни эгаллашнинг энг осон ва синалган йўли халқларнинг ўтмиши, маънавиятини йўқотиш, ўзлигидан айиришдир, — дейди **ЎзДЖТУ кафедра мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев.** — Глобаллашув инсоният олдига ана шу каби оғриқли муаммоларни қўймоқда. Бу жараёнда, айниқса, ёшларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Маълумотларга қараганда сўнгги 10 йилда 4 мингдан ортиқ террорчилик актлари юз берган бўлса, уларнинг аксарияти 20-30 ёшли кишилар томонидан содир этилган. Бу нарса бизни янада ҳушёрликка чорлаши лозим. Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 64 фоизини болалар ва ёшлар ташкил этади. Шу боис уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришда янги усуллардан фойдаланишимиз зарур.

Тадбир давомида глобаллашув шароитида миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммолар, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнлар илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинди. Миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг асл моҳиятини очиб беришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ҳабиба АЗИЗОВА**

7 апрель — Жаҳон саломатлик куни

# АЛЛЕРГОЛОГИЯ СОҲАСИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Таҳририятимизга телефон қўнғироғи бўлди. Ўзини Нодира деб таништирган аёл кечинмаларини айтиб берди.**

**— Ўғлим 7 ёшда. Унинг 3 ёшдан бошлаб томоғи оғриб, бўғилиб қоларди. Нафаси қисарди. Йўталарди. Ишонасизми, олиб бормаган шифохонам, кўрсатмаган дўхтирим қолмади. Лекин муолажалар вақтинчалик таъсир қиларди. Йилнинг 5-6 ойини шифохонада ўтказардим. Учраган шифокорларим «ўғлинг шамоллаган», дея энг кучли антибиотиклар, ҳатто гормонлар буюришарди. Шу вақт давомида ўғлим учун анча маблағ сарфлаб қўйдим. Аммо бунинг натижаси кўринмасди. Бир танишимнинг маслаҳати билан доктор Салимов клиникасига келдим. Даволанишни бошлаганимиздан сўнг боламнинг аҳволи яхшиланди. Ва тушуниб етдимки, биз шу пайтгача нотўғри даволанганмиз. Сизларга телефон қилишимдан мақсад доктор Салимов клиникаси ва у ерда қўлланилаётган даво усуллари ҳақида мақола берсангизлар. Бу менга ўхшаб қийналиб, адашиб юрганларга асқотар, деб ўйлайман.**



**Тиббий хизматга эҳтиёж туғилса, қайси бирини танлардингиз – давлатникиними ёки хусусий тиббиёт муассасасиними?**

Тажрибаларидан ва ҳамёнининг аҳволидан келиб чиқиб, бунга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Сир эмас, хусусий клиникалар мижознинг «инжиқлик»ларини кўтаришга тайёр, албатта маълум ҳақ эвазига.

Тиббиётда хусусий амалиётнинг жорий этилишидан мақсад ҳам барча соҳаларда бўлгани каби рақобатни ривожлантириш, хизмат сифатини оширишдан иборат. Аммо бу соҳада умумий бўлган шартлар ҳам мавжудки, уларга риоя қилмаслик қандай оқибатларга олиб келишини бошимиздан ўтказдик. Хусусий тиббиёт клиникаларига лицензия бериш тартиб-қоидаларига ўзгартиш киритилиб, янги талаблар қўйилгани бежиз эмас.

«Доктор Салимов» хусусий клиникаси рекламага муҳтож эмас — аллергия касалликларини даволашга ихтисослашган мамлакатимиздаги кўзга кўринган муассаса. Бу ердаги шарт-шароитлар, даволаш услубларигина эмас, клиника раҳбари — олий тоифали аллерголог, тиббиёт фанлари доктори, профессор Эргаш Салимовнинг довруғи ҳам беморларни бу ерга чорлайди. Профессорнинг меҳнат фаолияти бутунича аллергология соҳаси билан боғлиқ — Москванинг етакчи институтларида илмий изланишлар олиб борган, Соғлиқни сақлаш вазирлигида аллергик хасталиклар бўйича етакчи мутахассис, болалар аллергология марказида раҳбар бўлиб ишлаган, иглотерапевтларнинг ICMART халқаро ассоциацияси, Россия аллергологлар ва клиник иммунологлар ассоциациясининг аъзоси.

Эргаш Салимов эгнимга халат бериб, клиника бўйлаб саёҳатга таклиф этади.

Биринчи эътиборни тортган ҳолат — иш вақти тугашига оз қолганига қарамай муолажа хоналари ва йўлаклар мижозлар билан тўла эди.

— Кун давомида шу аҳвол, — изоҳ беради профессор. — Беморларни олдиндан навбатга ёзиш асосида қабул қиламиз. Акс ҳолда кутиб қолишлари мумкин. Ахир улар орасида узоқ вилоятлардан келадиганлар ҳам бор.

Муассасага мурожаат қилганлар энг аввало қабулхонадаги олий тоифали аллерголог шифокор суҳбатида бўлишади. Касаллик аломатлари ўрганилгач, беморни текширув, таҳлил, ташҳис ишлари бошланади. Бу ишлар энг замонавий асбоб ускуналар воситасида бажарилади. Касалликка сабаб бўлган аллергенни аниқлашдан тортиб, бу тур касалликлар учун бажариладиган қон таҳлилларини клиниканинг ўзида амалга ошириш имкони мавжуд.

— Бу ердаги ўзига хос бўйни сезяпсизми, — навбатдаги муолажа хонаси билан таништирар экан сўрайди профессор.

Ўн беш чоғли турли ёшдаги даволанувчилар ўтирган чоғроққина бу залдаги бўй деворларга илинган иккита ускунадан тaралаётган экан.

Доктор Салимов бу ускуналар Чжевский қандиллари эканлигини айтиб, уларнинг ишлаш принципини тушунтиради. Табиий ҳавода «ҳаво витаминлари» кўп, Чжевский бу витаминлар — манфий аэроионларнинг инсон организмига самарали таъсир қилишини аниқлаган. У кашф қилган қандил эса «витамин заводи» ҳисобланиб, ҳавони манфий аэроионлар билан таъминлайди.

Эргаш Салимов билан клиника бўйлаб саёҳатимиз давомида, гарчи унинг ўзи таъкидлаб айтмаган бўлсада, хусусий тиббиёт муассасасининг талаб даражасида ишлашини таъминловчи омиллар хусусида хулоса чиқариш имконига эга бўлдик. Булар юқорида таърифланган шарт-шароитлар ва билимли мутахассислар ва шунинг билан бирга клиникада йўлга қўйилган ўзига хос даволаш услубидир.

Клиникада аллергик касалликлар дори-дармонсиз даволанади. Бунда профессор Эргаш Салимовнинг қатор ихтироларидан фойдаланилади. Жумладан, болаларда аллергик касалликларни, атопик дерматозни, поллинозларни, бронхиал астма билан оғриган беморларни дорисиз махсус аллерген иммун муолажа воситасида даволаш усуллари муваффақиятли йўлга қўйилган.

Мутахассислар бу усулнинг қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлашяпти. Хусусан, бу усул зарарсиз, асорат қолдирмаслиги, арзон, қулай, оддий, юқори натижалилиги, ҳар қандай шароитда қўллаш имкониятлари мавжудлиги, аллергенни аниқлаш воситаларига монелик қиладиган қимматбаҳо гистаминга қарши дори воситалари, гормонлар қўлланилмаслиги туфайли улардан келиб чиқадиган зарарларни йўққа чиқариши, аллерген иммун муолажа таъсирини икки уч баробар ошириши билан устун эканлигини таъкидлашяпти.

— Клиникада аллергик хасталикларнинг барча кўринишларини дори-дармонсиз, иглорефлексотерапия, аэроионотерапия, ва магнитотерапия ёрдамида даволаш орқали ҳайратланарли натижаларга эришилган, — деб ёзади Россия тиббиёт академияси мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор И. Балаболкин.

Олим ва амалиётчи шифокор сифатидаги кўп йиллик изланишлари, тажрибаси натижасида Эргаш Салимов «Аллергик хасталиклар клиникаси ва муолажаси» ўқув қўлланмасини яратди.

Эргаш Салимов бундан қарийб ярим аср илгари, тиббиёт институтининг битирувчи курс талабаси вақтида устози, марҳум Ефим Пошковскийнинг гапларини эслайди. «Болалар, шуни унутмангки, келгуси тиббиёт аллергия тиббиёти бўлади», деган эди у. Унинг башорати тўғри чиққанини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Бугунги кунда аллергик касалликлар кўпайиб бормоқда, унинг оғир турлари учраяпти. Охирги маълумотларга кўра, ер юзида ҳар тўрт инсондан биттаси аллергик хасталикка чалинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Соғлиқни сақлаш қўмитаси XXI асрни аллергия асри, деб эълон қилди.

Аллергик касалликларнинг кўпайишига эса нафас олаётган ҳавомизнинг турли сабаблар туфайли бузилиб бораётгани, ичимлик сувининг ҳар хил чиқинди ва кимёвий воситалар орқали ифлосланиши, ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга кимёвий ишлов берилиши, истеъмол қилаётган озиқ-овқатларимизнинг тобора кимёвийлашаётгани ва ниҳоят касалликларни даволаш учун кўплаб қўлланилаётган дори-дармонлар каби омиллар сабаб бўляптики, уларни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Демак, аллерголог мутахассисларга талаб ошиб бораверади.

— Болалар шифокори ҳам, терапевт ҳам, оториноларинголог шифокор ва тери касалликлари бўйича мутахассис ҳам аллергология асосларидан хабардор бўлиши керак, — дейди Эргаш Салимов.

Бу хулоса клиникасида даволанаётган беморларнинг «касаллик тарихи» туфайли туғилганини таъкидлайди. Айрим беморларга аломатлари ўхшаш бўлгани сабабли бошқа касалликларга қарши даво чоралари қўлланилган. Бошқалари эса нотўғри муолажа туфайли йиллар давомида аллергиянинг бирон туридан азоб чекишган, дориларга кўникма ҳосил қилишган.

Қўрғонтепалик Файзинисо Сафарова бу масканни топиб келгунича ўғли аллергик хасталикдан анча азоб чекканини айтиб беради.

— Эмлашдан кейин фарзандимнинг томоғида оғриқ, баданида тошмалар пайдо бўлди. Шифокорлар тавсияси билан гормонлар қабул қилганимиздан кейин унинг аҳволи бироз яхшилангандек бўлар, аммо маълум фурсатдан кейин касаллик аломатлари яна ўзини кўрсата бошларди. Телевидение орқали «Доктор Салимов» шифохонасидаги муолажа услубларидан хабар топдим. Қисқа вақт ичида текширувлар олиб борилиб ташҳис қўйилди. Учинчи курс муолажаларни олдик, ҳар бир босқичдан кейин фарзандимда ижобий ўзгаришлар рўй берди, ҳозир унинг аҳволи анча яхши.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, келиб даволанаётган беморларнинг ҳар бири ана шундай илиқ фикрларни айтиши мумкин.

Айни кунда барча ривожланган давлатларда қўлланилаётган махсус аллерген-иммун муолажа билан Ўзбекистонда профессор Салимов томонидан ишлаб чиқилган дорисиз даволаш усулларининг уйғунлигидан иборат даволаш курслари туфайли ушбу масканнинг мижозлари кун сайин ошиб боряпти. Қўлланилаётган бошқа иммун муолажалар беш йил давом этса, Эргаш Салимов услуби билан бу натижаларга уч йилда эришиш мумкин. Яна бир гап — кўпчилик аллергологлар ташҳис учун беморларга ўсимликларнинг уйғониш даври — баҳорда мурожаат қилишларини тавсия қилишади, клиникада эса ташҳиснинг ўзига хос услуби туфайли беморлар йил давомида қабул қилинади.

Афсуски, даволаниш мақсадида клиникага мурожааат қилаётганларга баъзан рад жавобини беришга тўғри келади — ўринлар сони чегараланган. Профессорнинг фарзанди унинг соҳасини танлаган, ҳозир биргаликда фаолият юритишяпти. Аммо соҳанинг билимдони ўз мактабини яратишни, издошлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлишини жуда-жуда истайди. Бу билан беморларнинг узоқ вилоятлардан марказга келиб овора бўлишларига ҳам чек қўйиш мумкин, дейди у.

Профессор Салимов билан суҳбатлашиш асносида кўнглимдан қуйидагилар ўтди.

**Аллергик касалликларнинг кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, хулоса чиқарадиган бўлсак, мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда Врачлар малакасини ошириш институтидаги аллергология кафедраси ва курслари фаолиятини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш керакка ўхшайди. Шунингдек, аллергияга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, бу борада мутахассис муаммосини ҳал этиш тўғрисида жиддийроқ ўйлаб кўриш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.**

*Тиббиётимиз фидойиси профессор Салимов яна бир хайрли ишни бошлаган. Аллергик касалликларга ташҳис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган аллергенлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳаракат қилаяпти. Бу эса ўзимизда мазкур маҳсулотга бўлган талабни қондириш билан бирга ҳатто уни иссиқ иқлимли мамлакатларга экспорт қилиш имкониятини ҳам яратади. Бундай шароит эса юртимизда бор, дейди у. Айни кунда профессор мутахассислар билан ҳамкорликда дастлабки ўрганишларни олиб боряпти.*

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Спорт

8-13 апрель кунлари пойтахтимизда ёшлар ўртасида бўладиган IV жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини

### УМИДЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР

Ўтган йили Буюк Британияда ўтказилган XXX ёзги Олимпия ўйинларида илк маротаба Ўзбекистон оғир атлетика терма жамоаси ўз тарихида энг кўп — олти нафар спортчи билан иштирок этди. Улар орасидан, айниқса, бир неча карра Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Руслан Нуриддинов ҳамда Иван Ефремовларнинг тўртинчи ва бешинчи натижаларни қайд этганлиги кўпчиликни лол қолдирди.

— Шу йилнинг 8-13 апрель кунлари Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт саройи ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов. — Унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари йигитлар ўртасида саккиз, қизлар баҳсида етти вазн тоифаларида ғолиблик учун майдонга чиқадилар.

Ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг етмишдан зиёд давлати оғир атлетикачилари қатнашиш истагини билдиришган. Ўзбекистон терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада Баҳром Абдумаликов бош мураббийлигида майдонга чиқади.

— Юртимизда истеъдодли ёшлар талайгина, — дейди бош мураббий. — Пойтахтимизда бўладиган жаҳон чемпионати улар ҳаётидаги катта спорт байрамларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоа аъзоларини бир неча босқичда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари ҳамда мамлакат биринчиликлари орқали саралаб олдик. Жумладан, март ойида Чирчиқда ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати бунда алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур мусобақада бир юз эллик нафардан зиёд йигит-қиз ғолиблик учун кураш олиб борди ва улар орасида ғолибликни қўлга киритган энг истеъдодли ёшларни терма жамоа таркибига жалб қилдик.

**Эркин ХОЛБОБО**

**ОБ-ҲАВО 6-7 – 04. 2013**

**Юртимиз бўйлаб (˚С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +5 / +10 | +20 / +25 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +5 / +10 | +20 / +25 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +5 / +10 | +20 / +25 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +8 / +13 | +22 / +27 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +5 / +10 | +18 / +23 |
| Тошкент шаҳри | +7 / +9 | +20 / +23 |

**Дунё бўйлаб (˚С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | 0 / 0 |
| Париж | 0 / -1 |
| Москва | +1 / -2 |
| Мадрид | +6 / +4 |
| Пекин | 0 / +5 |
| Канберра | +6 / +7 |
| Рим | +10 / +5 |
| Афина | +11 / +12 |
| Токио | +11 / +11 |
| Стокгольм | -6 / -7 |
| Кейптаун | +16 / +15 |
| Қоҳира | +14 / +17 |
| Гавана | +20 / +21 |
| Вашингтон | +1 / +2 |

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таниқли журналист Ҳайдар Носировга акаси **Мирҳосил МИРНОСИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти маъмурияти ва «Аудит» кафедраси жамоаси кафедра доценти Анвар Авлоқуловга падари бузруквори **ЗИЯДУЛЛА ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Рустамов Абдурасул Норкулович номига 1993 йил 13 январда берилган квартирага эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи 05-01/1274 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Эълон

«Ўзвиносаноат-Холдинг» компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

**Иш тартиби:** душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.
**Манзил:** *Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.*
**Телефон:** *244-39-47, 244-50-54.*

Реклама

**Ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ

*компьютерлар ва оргтехника харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади*

*Тендер савдолари очиқ турда бўлиб, корхона ва ташкилотлар учун компьютер ва оргтехникалар етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.*
*1. Харид қилинадиган маҳсулотларнинг умумий нархи:*
*— Лот № 1, оргтехника — 163,125 млн. сўм;*
*— Лот № 2, компьютер — 187,200 млн. сўм.*
*2. Тендер комиссиясининг ишчи органи:*

Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Почта ва манзил: 190104, Термиз ш, Амир Темур кўчаси 69-уй.

Тел./факс: (8-376) 222-44-57; 222-44-73; 222-44-76.

3. Тўлов шартлари: бўнак 15%, компьютер ва оргтехникалар харидорнинг омборига етказиб, тўлиқ ўрнатиб берилгач — 80%, назорат текширувидан сўнг – 5 %.

4. Етказиб бериладиган компьютерлар ва оргтехникалар турлари, миқдори, буюртмачининг бошланғич нархи, етказиб бериш шартлари ва бошқа талаблар ҳамда маълумотлар тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

5. Етказиб бериш муддатлари бўнак тўловидан сўнг - 30 банк иш куни.

6. Тендер бошланишидан олдин тендер комиссияси томонидан талабгорларни малакавий саралаш жараёни ўтказилади.

7. Тендер ҳужжатларини харид қилиш қиймати тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

8. Закалат пули (тендер таклифи кафолати) миқдори тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

9. Закалат пулини тўлаш тартиби, тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тўловни амалга ошириш бўйича банк реквизитлари тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада келтирилган.

10. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 10 май соат 18-00 гача.

11. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиш мумкин.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 446
16762 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 00.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5